Айёмингиз муборак, азиз юртдошлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 20-mart, payshanba № 36-37 (3386)

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман — ҳеч қачон!

Ислом КАРИМОВ

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлмиш Наврўзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш — мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

Бунинг сабабини, аввало, Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат — аввало, кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат — узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман — ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим — мана шу шукуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг **«Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» — деган тилаклари** худди янгитдан қулоғимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига боқиб, айтмоқчиман — барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.**

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим — Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди

Она заминимизни ям-яшил либосга буркаб, ўзининг бетакрор кўрку жамоли, баҳорий насимлари, қиру адирларда кулаётган бойчечагу лолалари билан юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Наврўз — бу тиниқ осмон, яшил борлиқ, меҳнат ва муҳаббат, гул ва алёрларнинг муштарак рамзи. Атрофга сумалакнинг хуш бўйи, қир-адирларда улоқчи отларнинг мағрур кишнаши, даврларда бел олишаётган алп йигитларнинг ўктам ҳайқириқлари, қошларини ўсма безаган қизлар кулгуси таралади.

Вужудимизни ҳаётбахш умидлар қамраб олади. Янгиланиш фасли қалбларда акс-садо беради. Улуғ бунёдкорликнинг абадий қудрати ўзига чорлайди. Борлиқ инъом этган ободлик, поклик, янгиланиш ва яратиш завқи одам ва оламни боғлайди.

Юртимизга уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли ана шундай кириб келади. Табиат қудрати, бирдамлик, бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли — Наврўз бошланади.

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни баҳор, янгиланиш ва яшариш рамзи — Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган анвойи гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Ҳаёт абадийлиги тимсоли бўлган чархпалакларнинг бир маромда айланиши, халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатувчи сўрилар, чаппар уриб гуллаган ўриклар, шўх-шан учаётган қалдирғочларнинг саси юракларда ажиб ҳисларни уйғотади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Майдон узра карнай-сурнай ва ноғоралар садоси янграйди, жарчиларнинг чорлови байрам бошланганидан дарак беради. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сепини ёйганидан хабардор қилади.

«Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар...». Кўнгилларга баҳорий илиқлик, кўклам сурурини бахш этган сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган муҳташам иморатлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Халқимиз азалдан табиат уйғонадиган, йил янгиланадиган, дилларда янги орзу-умидлар туғиладиган кунни катта шоду хуррамлик, бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан кутиб олган. Ота-боболаримиз Наврўзга покизалик, яхши орзу-ниятлар билан пешвоз чиққан. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йилги байрам ҳам диёримизнинг барча шаҳару қишлоқлари, овул ва маҳаллаларида фусункор ва кенг миқёсда — умумхалқ сайиллари тарзида кўтаринки руҳда нишонланаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори энг ардоқли ва асл миллий байрамимизни муносиб кутиб олиш учун асос бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ юртимизнинг барча гўшаларида энг қадимий байрамимизни миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг равишда халқ сайиллари тарзида нишонлашга қаратилган «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» деган ғояни ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Хайрли анъана

Фарғона ҳарбий техника йўналишидаги академик лицейида ўтказилган тадбирда таниқли ижодкорлар, олим ва ёзувчилар, лицей ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ва бошқалар Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида қадрли экани, бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айлганини таъкидлади.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, чекка қишлоқларида бўлиб ўтмоқда.

ЎзА

Наврўз байрами арафасида шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун мўъжизавий «Lokomotiv» боғи ўз эшикларини очди. Мамлакат темирйўлчилари томонидан Зафар Диёр номидаги боғ ўрнида бунёд этилган саккиз гектарни ташкил этадиган ушбу дам олиш маскани республикамизнинг энг кўнгилочар марказларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Ажойиб туҳфа

Мазкур истироҳат боғининг очилиш маросимига «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК маъмурияти ва Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан пойтахтимиздаги 22-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, Ўзбекистон темирйўллари ва метрополитен ишчи-ходимларининг фарзандлари, истироҳат боғи атрофида яшовчи аҳоли фарзандлари, жами 300 нафардан зиёд бола ва ота-оналар таклиф қилинди. Уларга янги ва энг замонавий аттракционлар билан жиҳозланган «Lokomotiv» боғи ҳақида кенг маълумот берилди. Шунингдек, улар аттракционлардан бепул фойдаланиб, ҳордиқ чиқаришди.

Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқида жойлашган ушбу истироҳат боғи 5 та ҳудуддан иборат. «Болалар майдончаси»да 15 ёшгача бўлган болалар учун 13 та аттракцион жой олган. «Оилавий ҳудуд» эса 10 ёшдан катта болаларга мўлжалланган бўлиб, ўз ичига 12 та аттракционни олган. «Экстрим ҳудуд»да профессионал скалодром, тарзанкали арқонлар шаҳарчаси ва батутлар мавжуд. «Фаввора майдони» ҳудудида айвонли ёзги кафетерийлар жойлашган. «Шарқий боғ» ноёб турдаги дарахтлар, ҳовузлар, канал, шаршара, айвончалар, суҳбатлашиш ўриндиқлари билан янада файзиёб.

Боғда уч қаватли Сервис маркази бунёд этилган. Профессионал тир, лазерли лабиринт каби қизиқарли аттракционлар ўзаро уйғун ҳолда жойлаштирилган. Бинонинг иккинчи қаватида овқатланиш шохобчалари, учинчи қаватида ажойиб музей ташкил этилган. Ушбу музейга табиатшуносликка оид 100 га яқин экспонат қўйилган. Шунингдек, иккита замонавий фаввора ҳам беихтиёр эътиборни тортади.

Мазкур истироҳат боғида баландлиги 42 метрни ташкил этувчи ва ёпиқ кабиналардан иборат карусел, ҳаво велосипеди, катапулта, бутун боғни айланадиган саёҳат поезди бор. Боғдаги энг замонавий 32 та аттракцион нафақат болажонлар, балки катталарга ҳам мароқли ҳордиқ онларини туҳфа этади.

— Боғда яратилган шароитлар бизга жуда ёқди, — дейди 22-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Шаҳзод Ризоқулов. — Боғни томоша қилдик. Тенгқурларим билан мазза қилиб айландик. Хурсандчилигимиз чексиз.

— Икки нафар фарзандимни олиб келдим. Ҳақиқатдан ҳам боғдаги шароитлар жуда яхши, — дейди шифокор Санобар Самандарова. — Соғлом бола йилида ушбу истироҳат боғининг ишга туширилиши фарзандларимиз учун энг яхши совға, деб ўйлайман.

«Lokomotiv» истироҳат боғида мингдан ортиқ манзарали дарахт мавжуд. 400 дона янги турдаги турли хил кўчатлар, барпо этилган 3 гектар майсазор боғнинг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Аттракционлардан фойдаланиш замонавий тўлов тизимида жорий этилаётгани аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Байрам
ШУКУҲИ

Ishonch
2014-yil 20-mart № 36-37 (3386)

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Қишнинг рутубатли кунларидан сўнг уй-жойлар саранжом-сариштa қилинди. 15 март куни мамлакатимиз бўйлаб уюштирилган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, уйлари тартибга келтирилиб, байрам совғалари улашилди. Буларнинг бари меҳр-оқибат, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, инсонпарварлик ғоялари жамиятимизнинг устувор мақсадига айланганидан дарак беради...

...Саҳнага келажагимиз эгалари — болажонлар кириб келади. Улар ўзларининг шўх-шодон қўшиқлари, жозибадор рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз жисмонан бақувват, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ана шу ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 92 фоиз ўғил-қизлари ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани халқимизнинг соғлом болани тарбиялаш борасидаги эзгу орзу-умидлари ушалаётганидан далолат беради.

...Саҳнани тўлдирган болакайларнинг чиқишларида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топади. Уларнинг майдон узра янграётган шўх-шодон кулгилари, она Ватанни, кўкламни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари барчага завқ-шавқ улашади...

Тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва бирдамлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барака бўлади. Буни мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида 2013 йилда аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминланди, Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги позицияси мустаҳкамланди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражасини юксалиб бормоқда. Ўтган йили бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилди, аҳолининг реал даромадлари миқдори муттасил кўпайишига эришилди.

Ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, қишлоқда замонавий инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан аҳоли ҳаёт даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жой қуриш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2009-2013 йилларда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, 33,5 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жой қурилди. Булар Президентимиз раҳнамолигида Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Бу 2013 йил 16-17 апрел кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари, етакчи мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётганидадир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан уйғун ҳолда, баҳаво, кенг, қулай ва ёруғ қилиб бунёд этилаётган уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг муносиб ҳаёт кечириш борасидаги орзуларини рўёбга чиқармоқда. 2013 йилда 353 қишлоқ массивида барпо этилган 10 мингта шинам уйлар минглаб оилалар ҳаётида ана шундай янги даврни бошлаб берди.

...Саҳна теграсидаги йирик мониторларда юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самаралари акс этган тасвирлар байрам иштирокчилари қалбида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғуларини жўш урдиради...

Бу йилги Наврўз тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий-фольклор ва этнографик жамоалари чиқишларига кенг ўрин берилган. Ҳар бир ҳудуднинг ранг-баранг дастурларида унинг ўзига хос анъаналари, лапару ўланлари, рақс ва ҳазил-мутойиба, бахшилар айтишуви ижро этилди. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдирди.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилди. Бу халқимизнинг минг йиллик қадриятлари умуминсоний цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшгани, одамзотни эзгуликка, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатнинг абадий мувозанатини асрашга ундаб келаётганининг юксак эътирофидир.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамбларининг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топган.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган энг буюк ютуқдир. Улуғ аждодларимиз тинч мамлакат бахтли, саодатли мамлакатдир, деб бежиз айтмаган. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин.

Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар ярашади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, Яратгандан доимо тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби шунда. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир.

— Ўзбекистонда ҳар бир байрам кўтаринки руҳда нишонланади, — дейди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Наврўз байрамининг ўзига хос шукуҳи мени мафтун қилди. Байрам тантанасидаги улуғворлик, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик ва осуда ҳаётдан дарак бериб турибди.

...Халқимиз Наврўзни ҳар йили ўзгача соғинч, интиқлик билан кутиб олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, сайилгоҳларга, қиру адирларга интилади. Сайил қизигандан қизийди: бахшилар дўмбира чертади, ҳофизу хонандалар хониш қилади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ҳангомаю пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозлар баҳси, масхарабозу қўғирчоқбозларнинг томошалари, пойга, улоқ-кўпкари, кураш, мерганлик мусобақаларидан завқланади.

— Наврўз бизни табиатга янада яқинлаштиради. Барча саъй-ҳаракатлар инсон учун, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, юксалиш ва фаровонлик учун хизмат қилишига ишонч-эътиқодимизни оширади, — дейди Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Усмонова. — Бу йилги Наврўз тантаналарида Соғлом бола йилининг олижаноб мақсадлари мужассам этилгандир.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бу эзгу анъана бу йил ҳам давом этди. Умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш йўналишидаги 150 лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида тўқувйигирув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди.

2013 йилда 146 замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. 756 таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Мамлакатимиз автомобилсозлари Соғлом бола йилида яна бир янги автомобил — «Chevrolet Orlando» оилавий миневэнини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

...Муаззам саҳнада санъат усталари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, янгиланиш ва яшариш айёмини, муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, бетакрор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди. Бундай шукуҳли дамларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек.

Байрам тантаналари сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри узатилгани истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқлар, Ватанимиз тинчлиги, эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларнинг амалдаги яна бир яққол намойиши бўлди.

Бугун юртимизда, унинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган суратлар

Тинч-осойишта юртга байрамлар ярашади. Бугун Наврўзи олам катта шодиёна билан байрам қилинмоқда. Ҳар гўшада тантана, ҳурсандчилик. Ариқ бўйларидан ялпиз териб сомсага ҳозирлик кўраётган келинчакдан тортиб, сумалак ялаётган қизалоққача, байрамга атаб кўйлак тикаётган чевардан тортиб, капкир тутган ошпазларгача, ҳаммаҳамма Наврўз шукуҳи билан яшаяпти.

Кўклам сурури

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалла гузарида ҳам каттаю кичик тўкин дастурхон атрофида жам бўлиб, қутлуғ айёмни нишонлашди. Отахонлар дуога қўл очиб, юртга тинчлик, элга фаровонлик, ёшларга саломатлик, хайрли ишлар йўлбошчиси Президентимизга узоқ умр, мустақиллигимизга боқийлик тилашди. Ўйин-кулги, дўстлар дийдори, дилрабо куй-қўшиқлар кўнгилларга кўтаринкилик бағишлади.

— Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маҳаллаларда гузарлар барпо этила бошланди. Биз ҳам гузаримизни 1998 йилда қурганмиз, — деди маҳалланинг фахрий оқсоқоли, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Қўчқор Эрматов. — Кўриб турибсиз, дастурхонимиз тўкин-сочин, юртимиз тинч, обод. Инсон учун бундан ортиқ яна нима керак?! Шундай ёруғ кунлар зиёда бўлсин.

— Бугунги болаларга қараб, беихтиёр ҳавасланасан киши. Улар учун замонавий мусиқа мактаби, спорт майдончалари қурилаяпти, — дея суҳбатга қўшилди маҳалла фаоли Ислом ота Умаров. — Кўзингни, дилингни қувнатадиган бундай ютуқлар юртимизнинг барча гўшаларига хос эканлиги фаровонлик белгисидир.

Тоҳир Шокиров, Собир Қосимов, Садриддин Довидов каби отахонлар ҳам дориломон кунларни алқаб, фарзандлари, набиралари билан давлат ардоғида яшаётганига шукроналар келтиришди.

Маҳалла ҳудудидаги 230-мактабнинг Муқаддас Назарова раҳбарлигидаги фолклор-этнографик дастаси ва 231-мактаб ўқувчиларининг турфа чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

Халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Зеро, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида замонавий шарт-шароитлар яратиш орқали тиббий хизмат сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилаётир. Бу борада босқичма-босқич амалга оширилаётган тизимни ислоҳ қилишга оид Давлат дастури алоҳида ўрин тутмоқда.

Муносиблар ичра муносиб

Тўрт йилдирки, тез тиббий ёрдам тизимида фаолият юритаётган малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида республикамиз миқёсида махсус кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Наврўз айёми юртимизда кенг нишонланаётган шу кунларда ғолиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, ҳозирда юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларида буткул янгича тизим шакллантирилди. Ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, 174 та туман ва шаҳар бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур тизим етарли даражада махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларгача замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида ўтган йилда мамлакатимиз бўйича 110 та тез тиббий ёрдам автомашинаси сотиб олиниб, жойларга етказилди. Ҳозирда тез тиббий ёрдам тизимида 2864 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. 5500 дан ортиқ тез тиббий ёрдам автотранспорти ҳайдовчилари манзилларни яқин қилмоқда.

ТАНИШИНГ, КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

«Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси бўйича 1-ўринни Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 6 подстанцияси, 2-ўринни Андижон вилояти Избоскан ТТБ тез тиббий ёрдам бўлими, «Чувама» шохобчаси, 3-ўринни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси эгаллади.

«Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори» номинацияси бўйича 1-ўрин РШТЁИМ Қашқадарё вилояти филиали Қарши шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати линия шифокори Рустам Очиловга, 2-ўрин Наманган вилояти «Тўрақўрғон» тумани тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Мақсуджон Гофуровга, 3-ўрин Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам шифокори Хусниддин Шариповга насиб этди.

«Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинацияси бўйича 1-, 2-, 3-ўринларга РШТЁИМ Нукус филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Иклас Телегенов, Жиззах вилояти ССБ автохўжалиги тез тиббий ёрдам автомашинаси ҳайдовчиси Холмамат Тўйчиев ҳамда РШТЁИМ Термиз филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Баҳром Одинаевлар лойиқ топилди.

Ғолибларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг диплом ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

«Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» номинацияси ғолиби Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 6-подстанцияси бош соврин — «Дамас» автоамбуланси билан тақдирланди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишлади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Саховат

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар кенгаши Наврўзи оламни шоду хуррамлик билан қаршиламоқда. Фахрийлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз, ногирон ва беморлар йўқланиб, уларга байрам совғалари улашилмоқда.

Қиёси йўқ

Куни кеча «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловларининг ғолиблари, фахрийлар байрам дастурхонига таклиф этилиб, эсдалик совғалари топширилди.

— Бугина эмас, мактабларда, коллежларда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда, — дейди тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Содиқжон Маҳмудов. — Шаҳар марказий ўйингоҳида ўтадиган сайлда мактаб ва коллежлар бадиий жамоалари томонидан она-юрт, истиқлол, Наврўз, баҳор ва меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи чиқишлар кишига завқ-шавқ бағишлайди.

125 нафар кам таъминланган оилага совға тарқатилиб, якка-ёлғиз фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Наврўзи олам қадим замонда яшаган аждодларимизнинг эзгуликка йўғрилган эътиқодий қарашлари, тасаввур ва ишончларидан тортиб, замондошларимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик соҳасидаги оламшумул ютуқларидан баҳра олиб тараққий этиб келаётган муҳташам қадрият ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли маънавий тикланиш жараёни туфайли азалдан халқимизга руҳий- маънавий қувват бериб келган қутлуғ айём янада сайқаллашиб, асл ҳолига қайтди.

Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ушбу байрамнинг асосий моҳиятини белгилаб бериш билан бирга, асрлар ардоғида улғайган боқий қадриятларимиз мазмунини янада бойитиб, такомиллаштирадиган янги ғоялар туғилишига асос бўлди. Мухбиримиз филология фанлари доктори, профессор Маматқул ЖЎРАЕВ билан улуғ айёмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбатлашди.



Йилга татигулик кун

— Наврўз зукко аждодларимизнинг яратувчанлик, яшариш ва янгиланишга оид эзгу ғояларини ўзида мужассамлаштирган бетакрор гўзал қадриятлардан ҳисобланади, — деди суҳбатдошимиз. — Қарийб тўрт-тўрт ярим минг йил бурун юзага келган бу тантана халқимиз ўзлиги, менталитетини, миллий қиёфасини акс эттирган умидбахш кўнгил жавҳаридир. Асрлар ардоғида улғайиб, ҳар бир авлод тафаккури ила сайқалланиб келган ушбу айём ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимизга хос ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, яхши ният, тинчлик ва қут-барака тилаш каби ғояларни ўзида жо этиб келган.

Улуғ айём муносабати билан юртдошларимизнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб, қишлоғу кентларимизда кўплаб боғ-роғлар, хиёбонлар, болалар майдончалари вужудга келгани Наврўзнинг ҳаётбахшлиги ва яратувчанлигига ишорадир.

— «Авесто»да қайд этилишича, эзгулик худоси Ахурамазда баҳор ва ёзда, ёвузлик худоси Ахраман қаҳратон қиш ва кузда ҳукмронлик қиларкан. Наврўзда эзгулик ёвузлик устидан ғолиб чиқиб, оламда яшариш ҳамда уйғониш палласи бошланаркан...

— Менталитетимизга хос ҳар қандай анъана, урф-одат замирида халқимиз даҳоси мужассам. Бундай бобомерос қадриятлар эзгулик сарчашмаси мисол бизни яхшиликка бошлайди. Кўнгилларда ажиб туйғулар уйғотиши билан бирга ўзаро бирдамликка, ҳамжиҳатликка ундайди. Наврўз удумларининг қай бирига назар ташламанг, уларда қуёш нури мисол беминнат меҳр-саховат акс этган. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, аждодларимиз Наврўздан кейинги ойни «улуғ ой», «улуғ ўғлоқ ой» деб атаганлар. Ана шу далилнинг ўзи йилбоши қадим замонлардан бери энг севимли халқ сайли тантанаси бўлганини кўрсатади. Беруний, Наршахий, Рабғузий, Мирзо Улуғбек каби бобокалонларимизнинг асарларида ҳам Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

— Наврўзнинг ўзига хос хислатлари нимада намоён бўлади?

— Яхшиликка, саховатга даъват, умрни эзгу ишларга сарфлаш, бир-биримизга меҳр улашиш Наврўзнинг олижаноб хислатларидан. Эзгуликка эш бу байрам элу юртни бирлаштиради, одамларни бағрикенгликка, ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга, бунёдкорликка ундайди. Яратувчанлик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум бахш этади, дилларни мурувват шамчироғи билан ёритади.

Байрамдан бир кун аввал, аниқроғи, ўтаётган йилнинг охирги кечаси ўтказиладиган қозон тўлди удумини олиб қўрайлик. Бу аждодлар ва авлодларни боғлаб турган маънавий риштага ўхшайди. Қолаверса, бу одамлар ўртасида меҳр-саховат ришталарини мустаҳкамлаган.

Наврўз азалдан умумхалқ байрами, оммавий сайл ҳисобланган. Эл- юрт бир жойда сайл қилиши анъана бўлган. Ана шундай сайл-томошаларда фойдаланиладиган алоҳида катта қозонлар бўлиб, уларда сумалак, ҳалим (ҳалиса) ва бошқа кўклам таомлари пиширилган. Бу қозонлар барака манбаи ҳисобланиб, жуда азиз саналган. Халқ ана шу қозонларда муқаддас таомлар тайёрланадиган кунларни интизорлик ва зўр қувонч билан кутган. Чунки қозонлар тўлиши — бу мўл ҳосил тимсоли, тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака белгисидир.

Наврўз орзу-умидлар ижобат бўладиган кун. Ҳамиша халқимиз бу айёмга алоҳида тараддуд кўрган. Беруний йилбоши одатларининг бири ҳақида шундай ёзган: «Наврўз тонгида одамлар оқаётган сувга рўпара туриб, йил баракали бўлиши, офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар».

— Байрамда одамларнинг бир-бирларига «ҳаётингиз ширин бўлсин» деб ширинлик, «гўзал ва соғлом бўлинг» деган тилакда гул бериши шундан экан-да?

— Наврўзда нафақат тун ва кун, балки барча одамлар — ёши, ирқи, мансабидан қатъи назар тенглашиб, бир қозондан таом еб, бир хонанданинг қўшиғини тинглашади. Бутун оламга бир хилда тароват ва гўзаллик бахш этган Наврўз одамларни яхшиликка, руҳий покликка, юксақликка ўргатадиган улуғ айём. Байрам, олдидан ўтказиладиган ҳашарнинг ўзи катта тарбия мактаби. Ҳашар йўли билан нафақат атроф муҳит, балки хаста кўнгиллар нурафшон бўлади. Одамларнинг бир-бирига ишончи ортади. Ҳаётга, эртанги кунга муносабати ўзгаради. Биргаликда қилинган меҳнат эса дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Қўйингки, бу айём ҳар биримизнинг қалбимиздаги орзулар чаманзорига ажиб янгиланиш, яшариш насимларини олиб киради. Эзгуликка эш бўлган Наврўзимиз эл-юртни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди, ҳар бир ишга унум бахш этиб, кўнгилларни меҳр-мурувват шамчироғи билан ёритади.

— Аждодларимиз самовий жисмлар ҳаракатига қараб фаслларнинг қандай келишини яхши билган. Ҳар кентнинг ўз ҳисобдонлари бўлиб, у вақт ҳисобини юргизган. Экинни қачон экиб, қачон йиғишни бехато билган.

— Доно аждодларимиз вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча усулларидан фойдаланган. Қуёш ҳаракатини кузатишга асосланган «шамсий тақвим», ойнинг ўзгаришини ифодаловчи «қамарий тақвим» бўйича иш кўрган. Бундан ташқари, Ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарни белгиловчи «тўқуш ҳисоби», дарёлар тошишини кўрсатувчи «тошув ҳисоби», экин экиш, парваришлаш ва ўриб-йиғиб олиш мудатини белгиловчи «юз ҳисоби», қушларнинг кузда учиб кетиши ва кўкламда қайтишини кўрсатувчи «долға ҳисоби» ҳам бўлган. Шу билан бирга, халқимизнинг «мучал», «деҳқон», «тўқсон» «чилла», «юлдуз» ҳисоблари ҳам маълуму машҳурдир. Буларнинг бари халқимизнинг донолиги ва кенг тафаккурига асосланган.

— Наврўзни сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу мўъжизавий қувватга эга бўлган таомни айнан Наврўзда тайёрлашда қандай рамзийлик бор?

— Сумалак кўкламнинг шоҳ таоми, тўкин-сочинлик ва сиҳат-саломатлик рамзи. Халқимиз эл-юрт фароғатини, бола-чақаси роҳатини, яйловларда қўй ёйган чўпоннинг тўлини, олис сафарга отланган аҳли тижоратнинг йўлини, эзгу ният билан даласига дон сочган бободеҳқон хирмонининг баракасини берсин, деган умидда Наврўз оқшомида сумалак пиширишган.

Кишилар кўкламнинг фарахбахш кунларига чиқиб, навжувон майсалар узра чопиб юрган илк баҳор эпкинидан баҳра олгач, жимжилоғи билан сумалак ялаётиб, яхши кунларга етишдик, деб шукрона қилганлар.

Сумалак тайёрлаш ҳақидаги барча ривоятлар замирида яхшилик, меҳр-мурувват, одамийлик фазилатлари ярқираб туради. Бу хосиятли таомни тайёрлашнинг ҳам ўзига хос удумлари бор. Сумалак учун ундирилган майсанинг ширасини қозонга солаётганда аёллар қизил кийлак кийиб, бошига қизил рўмол ўрашган. Дастурхонга сумалак тортилганда, аввал нуроний онахону отахонлар бошлаб берган. «Янгилик, янгилик, илоҳим ҳеч кўрмайлик ёмонлик, ниятимиз омонлик-сомонлик. Илоҳим, янаги ой, янаги йилларга бошимиз омон, бағримиз бутун бўлиб, ўйнаб-кулиб етайлик» дейишган.

— Наврўз удумлари ҳам ўзидек кўнгилга яқин ва ҳаётбахш. Анъанага кўра ҳар бир касб соҳиби шогирди ва меросхўр ўғлига шу байрам сайлида «қўл» топширган. Масалан, чўпон бобомерос таёғини, ҳунарманд қайчисини, усталар тешасини топшириш маросими бўлган. Бундай кўҳна маросимлар қадриятларимизнинг нақадар фусункорлигини намойиш этади.

— Наврўзда устоз шогирди, ота ўғли, соғлар касалмандлар олдида масъул эканлигини яна бир бор ҳис қилади. Яна у гина-кудуратларни унутишга, кечиримли бўлишга, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан яшашга ўргатади.

Байрам сайлининг ўз тартиб-қоидалари мавжуд. Азал-азалдан дорбозлар ўз санъатини намойиш этган. «Кўчқор уриштириш», «хўроз уриштириш» ўйинлари ўтказилган, сўнгра кураги ерга тегмаган полвонларга навбат берилган. Сайлгоҳнинг атрофидан хушовоз хонандаларнинг хониши ва машшоқларнинг оромбахш куйлари янграб турган. Масхарабозларнинг чиқишлари, ёш-ялангларнинг ўйин-кулгулари, турли кўнгилочар томошалар одамларга ўзгача завқ бағишлаган. Сайлнинг кейинги кунлари дала-даштларга кўчган. Деҳқонлар ерга уруғ қадашган, сумалак, ҳалим сайллари билан кўкламни хуш кайфиятда қаршилашган. Бундай удумларда халқимизга хос эзгу ниятлар акс этган. Улуғ аждодимиз Умар Хайём «Кимки, Наврўзни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар» деган. Биз ҳам янги кунга ёруғ ниятлар, эзгу мақсадлар билан пешвоз чиқайлик. Токи, она-Ўзбекистонимиз меҳр-муҳаббатга, соғлом ва баркамол болаларнинг шодон кулгиларига тўлсин!

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Наврўзи олам шодиёналари диёримиз узра кезиб юрибди. Касаба уюшмалари томонидан «Наврўз — меҳр-мурувват, миллий қадриятлар ва анъаналар тимсоли» дея номланувчи маданий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилаётир.

Мактабда йилбоши

Самарқанд шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган байрам тадбири кўпчилик ёдида қоладиган бўлди. Унда турли ташкилотлар вакиллари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, талаба-ёшлар ҳамда маҳалла аҳли қатнашди.

Шунингдек, юзга яқин корхона, ташкилот ва маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг кураш, шахмат-шашка ҳамда стол тенниси баҳслари ҳам ташкил этилди. 26-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби бадиий жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Шаҳардаги «Меҳрибонлик» уйларининг 40 нафар тарбияланувчиси, 10 та кам таъминланган оилага касаба уюшмаларининг байрам совғалари топширилди.

— Касаба уюшмалари ҳар бир тадбирда бизни ёдга олиб турганидан беҳад мамнунмиз, — дейди «Токзор» маҳалласида яшовчи Саодат Турдиева. — Бу йилги Наврўзда ҳам кам таъминланган кўплаб оилаларга жамоат ташкилоти томонидан кўмак кўрсатилаётир.

«Спорт — саломатлик гарови» шиори остида спортнинг тўрт тури бўйича ғолиблар ҳам аниқланди. Кураш мусобақасида Баҳодир Бобоев, шахмат-шашка баҳсларида Ҳилола Тўрақулова, Севинч Доукаевалар олдига тушадигани бўлмади.

Ғолиб ва совриндорлар касаба уюшмалари томонидан дипломлар билан тақдирланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Шодлик улашиб

Дилларни шодликка тўлдириб, юртимизни кезиб юрган Наврўзи олам халқимиз томонидан кенг нишонланмоқда.

Қарши шаҳри марказидаги амфитеатрда ўтган тантаналар чоғида Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев воҳа аҳлини қадимий ва гўзал байрамимиз — Наврўз билан қутлади.

Байрам тароватидан ҳаяжонни босиш қийин. Янграган куй-қўшиқлар, дилбар рақслар, лапар ва саҳнавий кўринишлар барчага завқ улашди.

Албатта, бугун қайси меҳнат жамоаси ёки маҳаллага борманг, янгиланиш ва яшариш байрами Наврўзи оламнинг гулгун чеҳраларини кўрасиз.

Масалан, «Муборакнефтгаз» УШКда «Ҳар кунимиз байрам бўлсин!» деб номланган туркум байрам тадбирлари давом этмоқда. Цех ва бўлимларда ўтган спорт мусобақалари якунланиб, финал босқичи баҳслари қизғин паллага кирди. Дилбарлар «Балли, қизлар» кўрик-танловида ўз омадларини синаб кўришди. 40 нафарга яқин эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари учун суннат тўйлари ўтказилгани айёмни янада файзиёб қилди. Корхона оталиғидаги 5-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхони ташкил этилиб, у ердаги ҳар бир ўғил-қизнинг ҳисоб-рақамига 50 минг сўмдан маблағ қўйилди.

Бундан ташқари, корхонада ишловчи ходимларга моддий рағбат кўрсатилиб, фахрий ва беморлар ҳолидан хабар олинди. Пенсионерларга озиқ-овқат жамланмалари тарқатилди...

Бу каби хайру-савобга лиммо-лим тадбирлар, шукуҳли манзаралар, ободлик ва шодлик лаҳзаларини ҳар бир туман ва қишлоқларда нишонланаётган Нарвўзи олам байрамида кузатиш мумкин.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Тадбир

Талабаларимизнинг интеллектуал билим ва қобилиятини янада ошириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида талабалар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Заковатли, салоҳиятли...

Унда 17 та жамоа қатнашди. Улардан 9 таси қизлар жамоасидир. Қизғин баҳслар натижасига кўра, қизлар ўртасида 1-ўринни Компютер инжиниринг факултетининг «Юксалиш» жамоаси, 2-, 3-ўринларни Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими факультетининг «КАФБ» ва «Қалдирғоч» жамоалари эгаллади. Йигитлар жамоасидан 1-ўрин Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент факультетининг «Биродарлар», 2-, 3-ўринлар Телекоммуникация технологиялари факультетининг «Престиж» ва «Телеком» жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар «Камолот» ЁИҲнинг диплом ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б. УМИРЗАКОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари

НОН ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида янги нон ишлаб чиқариш цехи ишга тушди. Етти нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди.

«Навоий дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган ва бир кеча-кундузда икки тонна унни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур замонавий цехда жорий йил охирига қадар қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

— Халқимиз дастурхонига нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришдек савобли ишга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман, — дейди ишчи Шоҳиста Тоштемирова. — Бу ерда самарали меҳнат учун барча шароит яратилган.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: ишчи — Шоҳиста Тоштемирова ва Ғиёс Икромов.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўқув-семинар

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тармоқ тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ташкилотчилари учун «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшма фаолиятини намунали ташкил этиш» юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

Катта қизиқиш уйғотди

Унда тармоқ Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов, Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси Қаҳрамон Маҳманазаров, тармоқ МК мутахассислари ҳамда вилоят бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари қатнашди.

Тармоқ Марказий кенгаши раиси Ў.Турғунов семинар иштирокчилари эътиборини олдинда турган долзарб вазифалар, меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитларда касаба уюшмаларининг роли тобора ортиб бораётганига қаратди.

Вилоят КУТБ кенгаши раиси Э.Ражабов иш берувчи, ходим ва касаба уюшма ўртасида тузиладиган жамоа шартномасининг ташкилотдаги ўрни ва ижобий таъсири ҳамда бошланғич касаба уюшма раислари фаолиятига оид зарур йўл-йўриқлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундай ўқув-семинар Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтида ҳам ташкил этилди. Унда тармоқ МК вакиллари, шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Фарҳод Хидиров, Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси Саид Норов ҳамда вилоят бирлашма кенгаши масъул ходимлари қатнашди.

Тармоқ Марказий кенгаши томонидан Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган ўқув-семинар ҳам қизиқарли кечди. Унда тармоқ МК вакилларидан ташқари, вилоят КУТБ кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов, Термиз Давлат университети ўқитувчиси Ғайрат Расулов ҳамда вилоят бирлашма кенгаши масъул ходимлари иштирок этишди.

Савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ўтказилган ўқув-семинарлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Сарҳисоб

«Урганчёғ-мой» ОАЖда 1031 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Улар манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратишда жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Иш берувчи ҳам, касаба уюшма ташкилоти ҳам ушбу шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши учун барча имкониятни сафарбар қилмоқда.



Ходимлар манфаати — бош масала

Жамоа шартномасига мувофиқ ҳар байрамда, чорак, йил якунларига кўра ишдаги ютуқлари учун ишчиларни мукофотлаш йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йили бу мақсадлар учун 3 млрд. 900 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ишчилар йил давомида 56,1 млн. сўм моддий ёрдам, 653,6 млн. сўмдан зиёд овқатланиш пуллари олишди. 50 ёшни қаршилаган 30 нафар, ёшга доир пенсияга чиққан 11 нафар ходим рағбатлантирилди.

Аъзолар манфаати — ишлаб чиқаришда бош масала. 11 нафар ишчи-ходим иш берувчи маблағи ҳисобида республикамиз санаторийларида дам олдирилган бўлса, яна 11 нафари касаба уюшма маблағи эвазига саломатлигини имтиёзли мустаҳкамлаш имконига эга бўлди.

Ўтган йил аъзоларнинг 102 нафар фарзанди «Сумча» оромгоҳида бепул дам олдирилди. 54 нафар хотин-қизнинг касаба уюшма маблағидан Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига, 54 нафар ёш ишчиларнинг иш берувчи маблағи ҳисобидан Шаҳрисабз шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Янги йил арафасида спорт комплекси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ерда ҳафтанинг тоқ кунлари аёллар, жуфт кунлари эркаклар фитнес, теннис, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланмоқда.

Жамоа шартномасида хотин-қизларга муайян имтиёзлар берилган. Ўтган йил шартнома асосида икки ёшгача боласи бор ёш оналарга 23,2 млн. сўм атрофида пул ажратилди. Ишчилар, биринчи галда аёлларни бепул тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхонада меҳнат муҳофазаси доимий диққат марказида. Ўтган йил ҳимоя воситалари билан таъминлаш, махсус кийим-бош, иш шароитини яхшилаш учун 109 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Яқинда 2014 йил учун жамоа шартномаси қабул қилинди. Таклифларнинг ҳаммаси инобатга олинди ва шартнома янги бандлар билан бойитилди. Айтайлик, ишчилар оила қурса ёки фарзандининг никоҳ тўйини ўтказса, энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида ёрдам кўрсатиш белгиланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун кузда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида маблағ ажратишга келишилди. Меҳнат таътилига уч кун қўшиб бериладиган бўлди.

Санобар ЮСУПОВА,
«Урганчёғмой» ОАЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси,
«Эҳтиром» нишони соҳибаси

Бошланғич ташкилотда

Вилоятимизда алоқа соҳасида 940 нафар ходим машғул. Уларнинг хавфсиз ва бехатар шароитда ишлаши, ижтимоий ва иқтисодий имтиёзлардан фойдаланиши бизнинг зиммамизда.

Рағбат ва иштиёқ

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 2012 йил 6 ноябрдаги Раёсат қарорига асосан 2013 йилнинг 15 февралидан алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси тугатилиб, «Ўзбектелеком» АК Наманган филиали касаба уюшма қўмитаси ташкил этилди.

Ишимизда жамоа шартномаси талаблари устувор аҳамиятга эга, албатта. Меҳнатга ҳақ тўлаш, жамоа шартномалари бўйича қўшимча тўловларни йўлга қўйиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳамиша назоратимизда.

Ёзнинг иссиғи ҳамда ёғингарчилик кунларида кўча шароитида ишловчи электромонтёр ва кабел пайвандловчиларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳар телекоммуникация боғламаси АТСларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 735 минг сўмлик 7 дона соябон олиб берилди. 16 нафар ходимга моддий ёрдам ажратилди. 5 нафар ёлғиз қария ҳолидан хабар олинди.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтган йил давомида 13 нафар ходимга саломатлигини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида соҳа меҳнаткашларининг 140 нафар фарзанди «Тоғ шалоласи» оромгоҳида таътилни мароқли ўтказишди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ва тармоқ Марказий кенгашининг кўчма соврини учун мини футбол мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, кўчма соврини олишга муваффақ бўлдик. Конституция байрами арафасида эса тизимдаги телекоммуникация боғламалари ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Ходимларнинг жисмоний саломатлиги билан бир қаторда, маънавий иммунитетларини шакллантиришда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, йил давомида Тўрақўрғон, Чуст, Мингбулоқ ва Тошбулоқ телекоммуникация боғламаларида «Маънавият соатлари» ўтказилди. Шунингдек, «Нодира» номли ахборот ресурс марказида давра суҳбати ташкил қилинди. Режа асосида филиал ва боғламада кўп йил ишлаган ходимлардан 15 нафарининг Самарқанд шаҳрига зиёрати ташкил этилди.

Соғлом бола йили учун белгилаб олган режаларимиз янада кенг кўламли бўлиб, асосий эътибор ходимларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтиши ва улардаги ишга рағбат ва иштиёқни янада жўш урдиришдир. Бунга эса, маълумки, ижтимоий ҳимояни янги ва ҳозиргидан-да юқори босқичга олиб чиқиш орқали эришилади.

Бахтиёр ТУРДИЕВ,
«Ўзбектелеком» АК Наманган филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Конференция

Хўжайли туман марказий тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда муассаса раҳбари А.Яқубов ва касаба уюшма қўмитаси раиси К.Атажановнинг ҳисоботлари тингланди.

Ошкоралик руҳида

Қайд этилганидек, 1989 нафар аъзони бирлаштирган туман марказий тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти 2013 йил учун тасдиқланган иш режаси асосида 4 та йиғилиш ўтказиб, унда қўмита фаолияти билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Тармоқдаги нодавлат сектор корхоналарида касаба уюшма ташкилоти тузиш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида бирлашма юристлари, туман солиқ қўмитаси ходимлари ҳамкорлигида давра суҳбатлари ўтказилди. Касаба уюшмасига меҳнат муносабатлари юзасидан келиб тушган 5 та ариза жойида ижобий ҳал этилди.

Маъмурият ва касаба уюшмасининг 2012-2014 йилларга тузилган жамоа шартномасида ходимлар манфаатини ҳимоялаш бош мезон сифатида белгиланган. Қўшимча равишда меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузилиб, барча ҚВПлар қамраб олинди. Ҳар ойнинг сўнгги жумаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш куни» сифатида белгиланган бўлиб, амалий ишлар натижасида ходимлар орасида касб касаллиги ёки бахтсиз ҳодиса рўй бермади.

Ходимлар бўш вақтини мароқли ўтказиши учун дам олиш хоналари ажратилган. Уларда зарур шароит яратилишига катта аҳамият қаратилаётир. Касаба уюшма маблағидан 4 та ҚВП, 4 та поликлиника ва 4 та бўлимдаги дам олиш хоналарига телевизор олиб берилди.

Хўжайли тиббиёт коллежи ўқувчилари билан тиббиёт бирлашмаси ходимлари ўртасида «Устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилган бўлиб, 20 нафар тажрибали ҳамширага 360 нафар коллеж ўқувчиси бириктирилган.

«Маънавият соатлари» мунтазам ўтказилмоқда. Тиббиёт бирлашмасида 58 марта турли мавзуларда шундай тадбирлар ташкил этилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини тиклашга эътибор кучайтирилди. Ўтган йилда 10 нафар ходимга санаторийларга йўлланмалар берилди. Ёз мавсумида кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзанди ҳудуддаги оромгоҳларда дам олди, 18 нафар бола эса Тошкент вилоятидаги сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Ходимларнинг музейларга ҳамда Хива шаҳрига саёҳатлари ташкил этилди.

Конференцияда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ф.Ханапияев, ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари К.Мукумов, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири М.Даняров, тармоқ МКнинг ҳудуддаги масъул ташкилотчиси А.Байбосинова ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилишда бошланғич ташкилот олдида турган ғалдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Сайфулло Рўзиев «Бухородонмаҳсулотлари» ОАЖнинг ҳурматга сазовор ходимларидан. У 31 йил илгари мазкур корхонанинг омухта ем ишлаб чиқариш цехига шогирд сифатида ишга қабул қилинган эди. Бугун эса илғор бригада бошлиғи. Ўтган даврда унинг кўз ўнгида туб ўзгаришлар рўй берди. Цех қайта реконструкция қилиниб, замонавий ускуналар ўрнатилгач, янгича қиёфа касб этди. Модернизация туфайли маҳсулот сифати яхшиланди, турлари кўпайиб, харидорлар талабига мосланди. Ходимлар малакаси оширилиб, қулай меҳнат шароити яратилди. Ортда қолган бир йил давомида корхонада иқтисод қилиш тартиби жорий этилиб, ишлаб чиқаришда материаллар, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва дизел ёнилғиси сарф-харажатларидаги тежамкорлик 47 млн. 673 минг сўмни ташкил этди.

Муваффақият омили

— Ҳалол, фидокорлик билан ишлаганлар ҳамиша эъзоз топишига меҳнат фаолиятимда гувоҳ бўляпман, — дейди С.Рўзиев. — Айниқса, кейинги 2-3 йил ичидаги ўзгаришлар барчамизни мамнун этмоқда. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимлар учун ҳар томонлама ғамхўрликни кучайтирди. Иш шароитимиздан нолимаймиз. Кийим алмаштириш, ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Сут ёки сут маҳсулотлари мунтазам бериб борилади. Ойлик маош ва мукофот пуллари вақтида тўланади. Қиш мавсуми учун оиламизга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Яқинда ҳамкасбларим Ҳаким Худоев ва Аслон Жумаевлар билан имтиёзли йўлланмалар орқали «Чортоқ» санаторийсида саломатлигимизни мустаҳкамладик.

Дарҳақиқат, вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари қаторидан муносиб ўрнини топган «Бухородонмаҳсулотлари» ОАЖ кейинги йилларда салмоқли муваффақиятларга эришмоқда. Жамоа вилоятдаги 7 та туман ва Бухоро шаҳри деҳқонларидан шартномада кўзда тутилган ғалла ҳосилини қабул қилиб олади ва уни қайта ишлайди. Ўтган мавсумда корхона омборларига 106 520 тонна сифатли дон киритилди. Унинг 16 525 тоннасини сара уруғлик ташкил этади.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Бухоролик ғаллакорлар ҳосилдорликни ошириш борасида мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу деҳқончилик маданиятини ошириш баробарида, бевосита, уруғлик донни танлаш, саралаш ва қайта ишлаш сифати билан ҳам боғлиқ. Ромитан ва Вобкентда корхонанинг уруғлик донни қайта ишлайдиган цехлари мавжуд бўлиб, улар энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган. Ушбу цехларда ғалланинг қатор ҳосилдор навлари уруғлик учун қайта ишланиб, кузда деҳқонларга етказиб берилади. Амалга ошириладиган жараён эса ҳар бир ишчи-мутахассисдан малака, масъулият ва фидойиликни талаб қилади.

— Корхонамизга келтирилаётган замонавий техника ва механизмлар йил сайин кўпайиб бормоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Исмоилов. — 2013-2015 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасига кўра, ходимлар малакасини ошириш, белгиланган муддатда уларни шаҳодатдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш, цехларда кўргазмали хавфсизлик техникаси бурчакларини жорий қилиш, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш каби муҳим жиҳатларга эътиборнинг оширилиши ўз самарасини бермоқда. Кейинги 3-4 йилда жамоамизда бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бермагани саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.



Жамоа фаолияти билан танишар эканмиз, яна бир қатор ибратли ишлар эътиборимизни тортди. Ўтган йили аёллар ва болалардаги темир моддаси етишмовчилиги ва камқонликнинг олдини олишга йўналтирилган, унни фортификациялаш миллий дастурини амалга ошириш мақсадида 150 млн.сўм харажат қилинди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, бўлимларни модернизациялаш ҳисобига 14 та иш ўрни яратилди. Уларнинг 12 нафари коллеж битирувчиларидир. Шунингдек, 20 нафар касаначи ишга қабул қилинди. Кам таъминланган ходимлар оилаларига корхона ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 33 млн.сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

— Жамоада 96 нафар аёл меҳнат қилади. Маъмурият, касаба уюшма ва хотин-қизлар қўмиталари ўртасида ҳамжиҳатлик йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди корхона хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Ғаффорова. — Яқинда маиший хизмат мажмуамиз 95 млн. сўм эвазига қайта реконструкция қилиниб, дам олиш, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари қайта жиҳозланди. Аёллар учун гигиена хонаси, иситиш тизими янгиланди. Тиббиёт хонаси зарур дори-дармонлар, керакли ускуналар билан таъминланди. Ходимларни ишга олиб келиш ва элтиб қўйиш учун янги автобус беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Хуллас, қулай меҳнат шароитидан баҳраманд жамоанинг иштиёқи баланд.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қарор ва ижро

Заёмингиз борми, марҳамат, топширинг

Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Ташқи сиёсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқазиши мумкин, қаерда ютиш мумкин – ана шундай жиддий масалаларни ечишга тўғри келди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил X сессиясида айтган бу сўзлари бозор муносабатларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги эзгу ишларнинг бошланиши ҳақидадир.

Маълумки, ўша даврдаги мураккаб сиёсий ва иқтисодий шароитда, эндигина мустақил бўлган давлат олдида бошқа муаммолар қатори маблағ топиш масаласи ҳам кўндаланг турарди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш керак.

Президентимиз раҳнамолигида бу масалаларга жавоб топилди. Оқилона ечимлардан бири — халқимизнинг ёрдамига таяниш ва келгусида уларнинг иқтисодий аҳволини янада яхшилаш эди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини чиқариш ва уни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, аҳолига ихтиёрий тарқатиш учун 250, 500, 1000 сўмлик қийматдаги 12 фоизли ички ютуқли заём облигациялари чиқарилди. Облигацияни чиқариш шартларига асосан, уларнинг амалдаги муддати 20 йил бўлиб, 2014 йилнинг 1 июлигача тўловлар талаб қилиниши мумкин.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз барча соҳаларда юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одамлар ҳаёт даражасини ва ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари адолат ва ошкоралик тамойилларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилаётгани ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда давлатнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлашни янада мустаҳкамлаш мақсадида жорий йил 5 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми облигацияларини қабул қилиш ва тўлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, ички ютуқли заёмлар 2014 йилнинг 1 апрелидан 1 июлигача бўлган муддатда Халқ банкининг ваколатли бўлинмаларида облигацияларнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти кўрсатилган ҳолда қабул қилинади. Ушбу муддатларда тақдим этилмаган облигациялар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиб, тўловга қабул қилинмайди. Уларни тўлаш, индексацияни ҳисобга олган ҳолда, жорий йилнинг 1 августидан 30 ноябрига қадар амалга оширилади.

Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш ва аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат-тижорат Халқ банкининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмларни аҳолидан қабул қилиш тўғрисидаги қўшма мурожаати эълон қилинди.

Айни пайтда Халқ банкининг барча ваколатли бўлимларида облигацияларни қабул қилиш ва тўлашни амалга оширишга тайёргарлик ишлари бормоқда.

Халқ банкидан маълум қилишларича, масъул ходим заёмнинг асл нусхаси ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини текширади. Бунда рақамларнинг аниқ кўриниб тургани, устига ёзилган қийматда тешиш белгилари, тўланганлик тўғрисида ҳисоб-китоб штампларининг изи йўқлиги, уларнинг орқасида назорат белгилари мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Ана шундай ҳолатлар аниқланмаса, эскирганлик ёки бошқа тасодифий шикастланишлар заёмнинг қабул қилинишига тўсиқ бўлолмайди.

Банкка қабул қилинган ҳар бир облигация электрон маълумотлар базаси- реестрга киритилиб, электрон шаклда сақланади. Ҳар бирининг юза томонига у қабул қилинган сана, банк бўлинмасининг рақами ва масъул ходимнинг фамилияси кўрсатилган ҳолда қабул қилинганини тасдиқловчи штамп босилади. Ушбу ҳужжат жорий йил «1 август — 30 ноябр даврида пул маблағларини олиш учун тақдим этиш шарти билан» белгиси қўйилган ва сақловчининг номига «талаб қилиб олиш ҳисоб рақами» очилган ҳолда тўлаш учун қабул қилинади. Уларни қабул қилиш ва тўлаш операциялари тўғрисидаги маълумотлар сир сақланади.

Заём облигацияларининг ҳақиқийлигига шубҳа бўлган ҳолатда ҳам барча маълумотлар электрон базага киритилиб сақланади. Бироқ, заём облигацияларига қабул қилинди штампи қўйилмайди, балки ўттиз кун мобайнида яна келиш тўғрисида билдиришнома ва квитанция берилади. Тўпланиб қолган ана шундай заём облигациялари ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги инкассация хизмати орқали ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилиги тўғрисидаги тегишли хулосани олиш учун юборилади.

Текшириш якунларига кўра унинг ҳақиқийлиги тасдиқланса, квитанция ўрнига тегишли тартибда ҳужжатлар берилади. Агар унинг қалбакилаштирилгани аниқланса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабардор қилинади. Тўловга яроқли бўлмаган ҳолатда эса сақловчига қайтарилади.

Заём облигацияларини қабул қилиш ва текшириш тугаллангандан кейин банк Молия вазирлигига қабул қилинган заём облигацияларининг йиғма реестрини тақдим этади. Сўнгра Халқ банкига ўтказилган тегишли сумма икки кун муддатда облигация сақловчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга лойиқ. Зеро, барча соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар туфайли халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати муттасил ўсиб, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати ошиб бормоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Миллий матбуот марказида

Республикамиз бўйича суғурта хизматлари кўрсатиш кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. «Мажбурий суғурта турлари бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида» мавзуидаги матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумотлар берилди.

«Ўзагросуғурта»— кафолат демакдир

Кейинги йилларда «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатиши яхшиланиб бормоқда. Натижада, компания томонидан 2013 йил давомида йиғилган суғурта мукофотларининг 50,1 фоизи, яъни 30,9 млрд. сўм мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилишига эришилди.

Жумладан, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Ўтган йилда кирувчи қайта суғурталаш билан бирга жами 734 467 суғурта шартномаси тузилиб, 22 млрд. 238 млн. сўмдан ортиқ суғурта мукофоти тушуми таъминланди. Шартномалар бўйича олинган жавобгарлик ҳажми қарийб 4 триллион 736 млрд. сўмдан ошди.

Шунингдек, суғуртанинг ушбу тури бўйича йил давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 1385 та даъво аризалари кўриб чиқилиб, 2 млрд. 105 млн. сўмдан ортиқ суғурта товони тўлаб берилди. Бу, ўз навбатида, транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарликларини суғурталашда уларнинг соғлиғи, ҳаёти ҳамда мулкий манфаатларини ҳимоялашда етказилган зарарлари қопланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида янги суғурталаш механизми ишлаб чиқилиб, фаолият юритаётган юридик шахсларнинг сони — суғурта майдони изчил ўрганилди. Иш берувчиларга қонунчиликка киритилган ўзгаришларнинг аҳамияти, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини тушунтириш ишлари олиб борилди. Хусусан, ҳудудлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан биргаликда ўқув-семинарлар ўтказилди.

Натижада, ўтган йил давомида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта тури бўйича 22 458 та шартнома тузилди. 6 млрд. 883 млн. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланди ва шартномалар бўйича олинган жавобгарлик ҳажми қарийб 5 триллион 125 млрд. сўмдан ошди. Суғуртанинг ушбу тури бўйича 64 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, жабрланувчи ва вафот этган ходимларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига 1 млрд. 113 млн. сўмдан зиёд суғурта товон тўланди. Бу, ўз навбатида, иш берувчининг мулкий манфаатлари ҳимояланишига ва молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, соғлиғи, ҳаётига зарар етган ёки вафот этган ходимнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда оилавий бизнес, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ҳамда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Банклар – ёшлар таянчи

Мамлакатимизда тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилган микромолиявий хизматлар миқдори қарийб 137 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, қишлоқ жойларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, новвойхоналар, қандолат цехлари, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари фойдаланишга топширилди. Бу йил ушбу йўналишга ажратиладиган кредитлар миқдори 170 млрд. сўмга етади.

Эътиборли жиҳати, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 160 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш белгиланди. Бундан ташқари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ёшларнинг бизнес билан шуғулланишлари учун «Менинг бизнес ғоям» ва «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳалари амалга оширилади. Шунингдек, банклар томонидан «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган.

Тадбирда ёш тадбиркорларнинг банк томонидан кредит олиб, улкан муваффақиятларга эришаётганликлари қайд этилди. Улардан бири сирдарёлик кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Феруза Жўраевадир.

— Бугун юртимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар мавжуд. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланган ҳолда банк томонидан имтиёзли кредит олиб, 2011 йилда фермерлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Айни пайтда фермер хўжаликда 18 нафар ёш муқим иш билан таъминланган. Аввало, тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимда менга банкнинг моддий кўмаги асқотди. Келгусида банк кўмаги асосида ишлаб чиқариш фаолиятимни янада кенгайтириш режаларим бор.

Сўнгги йилларда аҳоли даромадлари ва сифат даражасининг ўсиб бориши ипотека кредитларига бўлган талабни оширмоқда. Тижорат банклари ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва таъмирлаш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш ҳажмини 215 млрд. сўмга етказмоқчи. Бундан ташқари, намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун 1 трлн. сўмдан ортиқ кредит ажратиш режалаштирилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ва мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида белгиланган прогноз кўрсаткичларга эришиш учун жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда аёллар ва ёшлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, иқтисодий билимларни ошириш, молиявий ресурсларни бошқаришга қаратилган турли оммавий тадбирлар ўтказилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЁХБ огоҳлантиради

«Чекиш соғлиқ учун хавфли» дея ёзиб қўйилади сигарета қутисига. Бу иллат не заҳматда тўпланган мол-мулкка ҳам жиддий хавф туғдириши мумкинлиги Сергели туманида истиқомат қилувчи Сергей исмли фуқаронинг тушига ҳам кирмаганди.

ЧЕКИШНИНГ КАСРИ...

Жорий йилда Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш мақсадида унинг уйига Игор ва Света исмли танишлари меҳмон бўлиб келди. Зиёфатдан сўнг кайфи ошиб қолган фуқаролар чекиш учун ҳовлига чиқишади. Ҳуморни қондириб, чўғи ўчирилмаган сигарета қолдиқларини дуч келган томонга улоқтиришди-да, байрамни давом эттириш мақсадида яна уйга кириб кетишди. Уй томида эса аста-секин ёнғин авж олди.

Ёнғин чиққанлиги тўғрисидаги хабар ЁХХБ ходимларига Игорнинг қўшнилари томонидан етказилди. Буни қарангки, меъёрдан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилган улфатлар ўзлари ўтирган уй томининг аланга ичида қолганини ҳам сезмаган. Офат бартараф қилиниб, фуқаролар хавфсиз жойга кўчирилгандан сўнг хизмат мутахассислари фалокат ўчирилмаган сигарета қолдиқлари уйнинг томи остидаги сомонга тушиши натижасида содир бўлганини аниқлашди. Ўт ўчирувчилар вақтида етиб келмаганида ёнғин бошқа хонадонларига ўтиб, катта миқдорда талофат етказиши мумкин эди.

***

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида Жамшид исмли фуқаронинг ярим тунда ширин уйқуси бузилди. Шугина бўлса майли эдику-я, бироқ Жамшиднинг энди уйини қайтадан таъмирлаб яшаш учун яроқли ҳолга келтиргунича анча вақт кераклиги ачинарли...

Қиш кунлари у уйидаги иситиш мосламасини қоидага хилоф равишда резина шланг орқали табиий газ қувурига улаган. «Кўза кунда эмас, кунида...» деганларидек феврал ойининг аёзли тунларидан бирида резина шланг учига ўрнатилган темир қувур қизиб, шлангни эритиб юборган. Шлангдан чиқаётган газ ёниб, ўт жиҳозларга илашган. Оила аъзолари ёнғинни пайқаб ташқарига чиққунча, уйнинг томи аланга ичида қолган...

Фуқаронинг қоидабузарлиги қўшниларига ҳам жиддий зарар етказди. Аланга тезда кучайиб, қўшни хонадоннинг томини ҳам ўз домига тортди. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари етиб келиб офатнинг бошқа хонадонларга тарқалишини олдини олмаганида, фалокат кўлами бундан-да каттароқ бўлиши мумкин эди.

Бегали ЖЎРАЕВ,
Сергели туман ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, майор.
Б. ХАЛИТОВ,
туман ИИБ ЁХБ кичик сержанти

Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори аҳолининг кафолатланган, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини яхшилашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Жонга жон шифокорлар

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиали ўтган йили реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Филиал 155 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. 355 ўринга мўлжалланган муассасада беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ташхис қўйиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари юқори малакали шифокорлар томонидан амалга оширилмоқда.

Суратларда: Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиалида; шифокор Шаҳноза Кўчқорова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Билиб қўйган яхши

Меҳнат шартномаси – муҳим ҳужжат

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлашда фуқароларнинг меҳнатга оид масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, бугунги кунда фуқароларнинг ушбу соҳага оид масалаларни ҳал этишнинг миллий қонунчилик базаси яратилган бўлиб, унинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга» дея белгилаб қўйилган.

Бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи меҳнат шартномасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тўқсонинчи йиллар бошларида «меҳнат шартномаси» ва «контракт тушунчаси» кенг ёйилди. Дастлабки пайтларда ходимларни ишга ёллашнинг контракт тизими гўёки меҳнат шартномасига зид қилиб қўйилди. Ушбу тизимнинг амалиётда қўлланилиши ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга бўлди.

Контрактлар фақат ёзма шаклда тузилиши уларнинг фазилати бўлиб, ўша пайтда амал қилган қонун ҳужжатларига кўра, меҳнат шартномаси ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда тузилиши мумкин эди. Амалда эса уларнинг аксарияти оғзаки шаклда тузиларди. Ходим ишга қабул қилиш ҳақидаги илтимос билан ариза ёзарди, зарур ҳужжатларни тақдим этарди, тегишли мансабдор шахс эса буйруқ чиқарарди. Шартноманинг ўзи эса тарафлар томонидан расмийлаштирилган алоҳида ҳужжат сифатида мавжуд бўлмас эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш меҳнат муносабатларини шартномавий тартибга солишни кенгайтиришни талаб этади. Илгари марказлаштирилган тартибда белгиланадиган кўпгина масалалар ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра ҳал этила бошланди.

Контрактни ёзма шаклда тузиш меҳнат муносабатларини индивидуаллаштириш, томонларнинг манфаатларини тўлиқроқ ҳисобга олиш, ҳимоя қилиш имконини берди.

Кўп ҳолларда, меҳнат шартномаси ва контракт ўртасида фарқ борлигини эшитишимиз мумкин. Аммо, Меҳнат кодексида «меҳнат шартномаси» ва «контракт» тушунчалари тенг ҳисобланиб, синонимлар сифатида қўлланилади. Шу сабабли, ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган шартнома «контракт» ёки «меҳнат шартномаси» деб аталишидан қатъи назар, гап бир нарса ҳақида бораётганини назарда тутиш лозим.

Меҳнат кодексининг 72-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Таъкидлаш лозимки, ходим билан меҳнат шартномасини тузиш фақат олдиндан ишлаб чиқилган шаклдаги қандайдир жадвалларни тўлдиришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Меҳнат шартномасида зарур (асосий) шартлар: ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, иш бошлайдиган куни, меҳнат ҳақининг миқдори кўрсатилиши керак. Лекин, меҳнат шартномасининг айрим турларини тузишда уларнинг мазмунига ҳамма учун эмас, балки меҳнат шартномасининг мазкур тури учунгина мажбурий ҳисобланган бошқа шартлар ҳам киритилиши даркор.

Бундан ташқари, меҳнат шартномасида томонларнинг хоҳишига кўра, турли қўшимча шартлар тўғрисида олдиндан келишилиб олиниши мумкин (ишга қабул қилишда дастлабки синов ўрнатиш, тўла бўлмаган иш куни, бошқа жойда қўшимча ишлаш, томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатли шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда неустойка (товон) тўлаш, мазкур ходимга қонун ҳужжатларида, шунингдек, корхона ички ҳужжатларида кўзда тутилмаган меҳнат ва ижтимоий-маиший имтиёзлар бериш ва ҳоказо), бу шартлар меҳнат шартномаси мазмунини индивидуаллаштириш, ҳам ходим, ҳам иш берувчи манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, меҳнат ҳуқуқий муносабатлари пайдо бўлиши учун ҳамма вақт ҳам фақат меҳнат шартномасининг ўзи етарли бўлмайди. Меҳнат кодексининг 72-моддаси учинчи қисмига мувофиқ меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бироқ, бундай ҳолларда ҳам меҳнат шартномаси устунлик қилади.

Биринчидан, ҳеч ким ўз иродасига, истагига зид равишда танловда ёки сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланишда қатнашиши мумкин эмас.

Иккинчидан, ушбу ҳолатларда меҳнат муносабатлари ҳам меҳнат шартномаси тузилгандан кейингина пайдо бўлади. Масалан, агар ходим танлов бўйича тегишли лавозимга ўтган бўлса-ю, кейинчалик билган меҳнат шароитлари уни қониқтирмаганлиги ёки бирон-бир бошқа сабабга кўра меҳнат шартномаси тузишни рад этса, меҳнат муносабатлари пайдо бўлмайди. Бошқача айтганда, танлов бўйича ўтиш меҳнат шартномаси тузиш учун замингина ҳисобланади, лекин у ходимни шартнома тузишга ва ишга киришишга мажбур этмайди.

Меҳнат шартномасини тузишда унинг тарафлари бўлажак меҳнат муносабатларининг моделини аниқлайди. Шартноманинг асосий шартлари мазмуни ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан аниқланади. Тарафлар хилма-хил қўшимча шартларни келишиб олишга ҳақлидирлар. Албатта, меҳнатнинг ҳамма шартлари ҳам меҳнат шартномасида назарда тутилавермайди. Уларнинг айримлари (иш вақтининг энг кўп давом этиши, энг кам таътил, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, интизомий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартиби ва ҳоказолар) бевосита қонунлар билан белгиланган, бошқалари корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш тўғрисидаги низом ва бошқалар) қайд этилади. Бироқ, бу шартлар ходимга меҳнат шартномаси тузилгандан кейингина жорий этилади.

Шундай қилиб, меҳнат шартномаси ҳар бир кишининг Конституциядаги меҳнат қилиш ҳуқуқи амалга оширилишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли, меҳнат ҳуқуқий муносабатлари пайдо бўлишини шартловчи юридик факт, ҳар бир киши томонидан ишнинг эркин танланишининг муҳим кафолати ҳисобланади. Айнан меҳнат шартномаси унинг тарафларига меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасида кенг имкониятлар беради, ходим ва иш берувчининг манфаатлари уйғунлашишига кўмаклашади.

Р. АКПУЛАТОВ,
Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси

Табриклаймиз, ҚУТЛАЙМИЗ!

Ishonch
2014-yil 20-mart № 36-37 (3386)

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Барча юртдошларимизни табиатнинг уйғониш фасли — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади.

ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ ХОНАДОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА, ФАРОВОНЛИК ВА ШОДЛИК ОЛИБ КЕЛСИН!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жомбой туман кенгаши

Ўзбекистон халқини, шу жумладан, Жомбой аҳлини, ёш авлод тарбиясида фидойилик кўрсатаётган устоз-мураббийларни юртимизга кириб келган баҳор байрами — Наврўзи олам билан қутлайди.

Баҳор қуёши элимизни, кўнгилларимизни асло тарк этмасин.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Юртимизга кириб келаётган муборак айём, янгиланиш ва яшариш байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан мамлакатимизнинг барча аҳолисини, шу жумладан, соҳа ишчи-хизматчиларини самимий қутлайди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва ободлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган инсонларга, уларнинг оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, аъло кайфият, бахт-саодат, улкан бунёдкорлик ишларида зафарлар ҳамиша ёр бўлишини тилаб қолади.

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча-барчани НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий табриклайди. Жаннатмонанд юртимиз янада гуллаб-яшнасин!

Остонимиз тусафро, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

«Чимён санаторийси» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Юртдошларимизни баҳор, янгиланиш ва яшариш байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қизғин қутлайди.

Гўзал диёримизга, обод ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин! Серқуёш Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!

ДАРДИМИЗГА МАЛҲАМСАН, «ЧИМЁН»!

Инсон учун энг катта бойлик саломатликдир. Ўз вақтида соғлиги қадрига етган кишининг ишида унум, оиласида бахт, чеҳрасида нур балқиб туради. Ватани, халқи, соғлом авлод камоли йўлида ишлаб чарчамайди.

Соғ-омон, дарддан фориғ бўлиб юришимизда «Чимён санаторийси»нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айтиш жоизки, санаторийга бир келган киши доимий мижозга айланади. Биз сиҳатгоҳ ишга тушган йилдан буён дам олгани келамиз. Бу ердаги катта ўзгаришлар, ободонлаштиришга гувоҳмиз. Ҳар сафар дам олувчилар саломатлиги учун қилинган хайрли ишларни кўриб жуда севинамиз. Айниқса, санаторийдаги тартиб-интизом, ходимларининг ўз ишига масъулияти, ширинсўз ва меҳрибонлиги, энг муҳими, даволаш муолажаларининг самарадорлиги бизга ёқади. Бу каби хайрли ишларнинг бошида турган маъмурият раҳбари Каримжон Раҳмоновдан миннатдормиз. Унинг ташкилотчилиги ва саъй-ҳаракатлари билан санаторий кундан кунга тараққий этиб, дам олувчилар билан тавқум бўлиб бормоқда. Қолаверса, ўз ишини сидқидилдан адо этаётган ходимларнинг фидойилиги туфайли қанча инсонлар саломатлигини тиклаб, оила давраси, севимли ишига қайтмоқда.

Санаторийдаги шароит барчага бирдек маъқул: хоналар тоза-озода, қулай ва шинам. Бу йил шифобахш минерал сув ичиш расталари жуда чиройли қилиб таъмирланибди. Бундан ташқари, даволаш бўлими, парафин, балчиқ билан даволаш хоналари, лаборатория ҳамда ошхона замонавий кўринишга келтирилибди.

Ошхонадаги парҳез таомлар жуда хушхўр ва саломатлигимизга катта наф келтиради. Фито ванна, парафин, сереводород суви, балчиқ билан даволаш, уқалаш каби муолажалар эса ҳар бир кишига шифо бағишлайди.

Чимённинг ҳавоси жуда тоза, жон-у танинг яйрайди. Сой бўйларида сайр қилганингда шарқираб оқаётган сув асабингни тинчлантириб, руҳий қувват бағишлайди. Ҳар кунги таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари кишига ажойиб ҳордиқ онларини туҳфа этади. Маданият саройидаги бой китоб захирасига эга кутубхона ҳамиша хизматимизда бўлади.

Севимли газетамиз орқали бизга шундай дам олиб, саломатлигимизни тиклаш имкониятини яратиб бергани учун ЎзКУФК раҳбариятига, қолаверса, «Чимён санаторийси»нинг барча ходимларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Соғлигимиз тикланиб, кўтаринки кайфиятда она-Ватанимиз тараққиёти ва равнақи йўлида хизматга қайтар эканмиз, барча ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинаётган обод ва озод юртда яшаётганимиздан фахрланиш хиссини туямиз.

Дам олувчилар номидан:

Маттуба Юнусова, Дилором Тўхтаева, Муҳаббат Абдуллаева (Тошкент шаҳри), Акбарали Вакқосов, Ҳакимахон Вакқосова, (Олмалиқ шаҳри), Акбар Турсунов (Жиззах вилояти), Шербек Турсунбоев (Марҳамат тумани), Фарида Ходиева (Поп тумани).

Табриклаймиз, ҚУТЛАЙМИЗ!

Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси

Юртдошларимизни ва соҳа ходимларини нафосат байрами – НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди.

ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИ ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИК НУРИДАН МУНАВВАР БЎЛСИН!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Барча ҳамюртларимизни азалий қадриятимиз, кўклам даракчиси – НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлайди.

Бағрикенг ва бағри бутун халқимизнинг ҳар бир куни Наврўз, ҳар бир они байрам бўлсин!

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Жамики юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан қизғин қутлайди. Баҳорий кайфият йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин! Жадаллик билан ривожланаётган мустақил давлатимизга кўз тегмасин.

Поклик ва ҳалоллик, меҳнат ва барака ҳар бир хонадонга файз бағишласин!

Навоий «Донмаҳсулотлари» ОАЖ бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини фасллар келинчаги — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади! Дилларингизда ардоқлаб келаётган эзгу-орзуларингиз албатта рўёбга чиқсин!

Оилаларингиздан кут-барака, бахт-саодат, шоду хуррамлик аримасин!

Навоий вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Тизим ишчи-ходимлари ва юртимизнинг барча меҳнаткашларини гўзаллик ва шоду хуррамлик элчиси — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади!

Мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барака, руҳиятингизга баҳорий хушкайфият тилаб қоламиз. Эл-юрт корига яраш дек бахт ҳар биримизга насиб этаверсин!

Қадриятларимиз

Чавандоз ҳам полвон

Кўпкари, моҳир чавандозлар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ўлкамизнинг жанубий вилоятлари, шунингдек, Жиззах, Тошкент вилоятлари тилга олинади. Лекин тез-тез уюштириладиган кўпкари сайллари, улоқ майдонининг ҳаяжонли воқеалари ва довруғи кетган чавандозлар Сирдарё томонларда ҳам бор.

Сирдарёнинг барча туманларида от боқилади, суннат тўйларида, баъзан мучал ёшларида улоқ уюштирилади. Айниқса, мирзаободлик чавандозлар, улар парваришидаги тулпорларнинг довруғи бўлакча. Туманнинг ёш-у қариси жониворни яхши кўради, жажжи болажонлари ҳам сира ҳайиқмайди. Сабаби, фарзандлар кўрпачага ўтиришни удда қила бошлашиданоқ яхши ниятлар билан от эгарига чиқарилади. Бунинг таъбири шундай: улғаяётган гўдак мартабали бўлсин, доим уловли юрсин. Қолаверса, жонивор ҳам бўлғуси эгаси билан танишади.

Туманда улоқ совринларининг зўрини олган довруқли уч полвон борки, уларни эл «Мирзачўл аждарининг уч боши» деб атайди. Миллий қадриятларимиздан бири, алоҳида эътибор қаратиладиган бобомерос ўйин ҳақида, қолаверса, отларнинг парвариши хусусида суҳбатлашгани энг аввал ана шу «аждар бош»ларининг бири бўлмиш Райимқул бобо хонадонида бўлдик.

Кўп эшитганимиздек, жониворлар ичида от сезгирлиги, ақллилиги билан ажралиб туради. Бизнинг ташрифимизни ҳовли четидаги отхонада турган от фаҳм этиб, кишнаш орқали эгасига хабар берди.

Хонадондаги манзара болалик хотираларимизни бир муддат ёдга солади: ҳовлимизда от бўлар эди. Дадам ҳам ҳаваскор чавандоз эди. Қиш келди дегунча пахталик кийимларини кийиб олиб, улоқ чопгани яқин-узоққа бирикки кунга кетган вақтлари кўп бўлган. Ўзим ҳам жажжи қизалоқ вақтларимда дадам кўмагида отга кўп минганман...

Меҳмонни кутиб олгани чиққан Бувозия момо бизни илиқ қаршилайди.

Райимқул бобо асли деҳқонлардан. Кўп йиллар давомида фермер хўжаликларида ишлаган. Бироқ улоқ мавсуми бошланган кеч куздан то кўкламгача чавандоз сафдошлари Худойбоқ полвон, Ўрол ҳожи полвон, яна Оқмирза полвон билан биргаликда Мирзаободнинг Кумушсой, Аҳмадсойларида, Зомин, Фориш, Бекобод, Тошкентдаги тўй-маросимларда майдонни бўшатмай келган.

Қаҳрамонимиз 17 ёшида полвон номини олган. Курашда ғолиб келганлар исмига полвон қўшилишини эшитганмиз. Чавандозларга ҳам бу ном бериладими, деган саволимизга, албатта, улоқ ҳам бир кураш, унда ҳақиқий олғирлар, билаги зўрлар, мардлик қилиб кўпчилик устидан очиқ майдонда ғалаба қозонганлар эришади, деган жавобни олдик.

Ҳа, 500-600 отлиқ чавандозлар ўртасида бўладиган баҳсни бир тасаввур этиб кўринг-а!

Райимқул бобонинг айтишига кўра, улоқда от билан ҳақиқий дўст бўла олган кишигина зафар қучиши мумкин. От эгаси кайфиятини, керак бўлса, мақсадини тез илғайди. Полвон бобомиз майдонга ўзларининг отлари билан ҳам, ўзгалар отлари билан ҳам тушаверганлар. Тулпорларнинг кўпчилик билмаган ёки эътибор қаратмаган нозик хусусиятлари кўп. Доимий равишда синчиклаб кузатган, ҳамнафас яшаган кишиларгина уларнинг тилини тушунишади, синоатга бой жонзот эканлигини яхши билишади.

От билан мулоқотга киришиш ёки унинг чавандоз билан қандай алоқа ўрнатмоқчи эканини билдириб турувчи бир неча ҳолатлар мавжуд. Қаҳрамонимизнинг айтишича, чавандоз мард, олижаноб, танти бўлиши лозим. Агар жонивор чавандознинг ушлашига индамай рухсат берса, бу уни дўст деб ҳисоблаганидан дарак беради. Мабодо, у чавандознинг елкасига бошини қўйса, унда жонивор тўлиқ ишонч билдираётган бўлади. Отлар ёқтирмаган инсонини умуман олдига яқинлаштирмайди. Бундай пайтда унга монелик қилмаган маъқул.

Суҳбатимиз ҳали-бери тугамасдиё, ҳовлига от етаклаб хонадоннинг кенжа ўғли Жаҳонгир кириб келди. От изини доим той босган. Жаҳонгир ҳам 15 ёшидан улоқ майдонида от суради. Хонадондаги Қалдирғоч ва Бешқашқа лақабли отлар парвариши бугун Жаҳонгирга топширилган. Донги кетган отлар, албатта, лақаб олади. Лақаблар тулпорнинг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятига қараб ёки тилга тушган отларга ҳавас қилиб қўйилади.

Улоқда ҳар турли ҳолатлар юз бериши мумкин. Чавандозларнинг ҳалол ўйнайдигани, аччиғи тези бўлади. Бу хусиятлар отларга ҳам тааллуқли. Жаҳонгир ҳам охирги ўйиндан бироз жароҳат олиб қайтибди. Улоқ олишувида рақиб отлардан бири кафтини тишлаб олибди. Улоқда тобланган отлар шундай бўлади. Эгасига улоқни маррага етказишига астойдил кўмаклашади.

— Фарзандларимизга ёшликдан от минишни ўргатайлик. От минишда боланинг абжирлиги ва жасурлиги, ўзига бўлган ишончи ортади, руҳияти тетиклашади, садоқатни ўрганади, — дейди Райимқул бобо.

Мутахассисларимизнинг фикри ҳам шундай. Яъни, чавандозлар қомати келишган, жисмонан соғлом бўлади. Киши тулпорга минганда тананинг барча аъзоси, ҳаттоки бармоқлари ҳам ҳаракатга келади ва бу орқали организмда умумий қон айланиши яхшиланади.

***

Инсонга меҳрибон ҳайвонлардан биринчиси қўй бўлса, иккинчиси от деган фикрга ишонадиган кишилар туманда кўпчиликни ташкил этади. Тулпорларни улоқ учунгина эмас, «одамнинг қаноти» деб ҳам парвариш қилишади. Шундай сайислардан бири Сафар отадир. Улар учун белдаги белбоғ, садоқатли ёр ҳамда тулпор мардлик, ор-номус белгиси ҳисобланади. От боққан оила кам бўлмайди. От тунги ўн иккигача ўзига, сўнг тонггача эгасига ризқ тилайди, деган гапларга ишонадилар.

Сафар ота йигитлик чоғларидан ўзининг отлари бўлишини орзу қилган. Биринчи Оқёл лақабли отини ёллари оппоқ эди, дея энтикиб эслайди. Лекин бу тулпор хонадонда узоқ вақт қолмаган. Ўша пайтлар солиқчилар томонидан олиб қўйилган экан. Кенжа ўғли туғилганида Жийрон лақабли той олиб келади. Жийрон аталишининг сабаби танаси ялтираб, пешонасида қашқаси бўлган.

— Отни ҳам худди болангдай тарбиялаш керак. Унга ҳам меҳр, парвариш, тарбия лозим, — дейди отахон.

Жийрон отнинг хусусиятлари шундай бўлган: чопиши тез, ақлли, давраларда улоқ тегди дегунча марра томон интиладиган, ҳуштак чалса олд оёқларини кўтариб эркаланадиган бўлган.

Шу ўринда отнинг парвариши ҳақида ҳам сўз олдик. Тулпорлар янги туғилган вақтида қулун аталади. Шундан сўнг той бўлади, ғунан, дўнан, кейин от аталади. Тақа қоқилиши ҳам бир ҳунар. Уни дўнан вақтида — 4 ёшида қоқишади.

Энг кучга тўлган ёши 8 дан 15 ёшгача ҳисобланади. Лекин отнинг оёқлари соғ бўлса, 30 ёшида ҳам чопаверади. Бунинг учун от алоҳида парваришланади. Кўклам келганда кўкга тўйдирилади. Ҳар ҳафта чўмилтириб, ағанатиб, танаси таралади. Ёз мавсумида икки маҳалдан ем берилиб, оқ қанд ҳам едирилади. Сентябр ойидан бошлаб эса от совутилади. Бунинг учун ҳар куни минилиб 20-25 км. юрилади. Отнинг совиганини югуришга иштиёқманд бўлиб қолганидан билиш мумкин. Арғумоқни кўпкаридан кейин алоҳида асраш лозим. Сув кейинги кунда берилади, кўп югурган отга сув ичириш мумкин эмас.

От ҳақида суҳбат қуриш отахоннинг жону дили. Тўғри-да, бутун умр ҳовлида от сақлаган, унинг парвариши билан ҳам ўзи шуғулланган кишининг хотиралари сероб бўлади.

Сафар отанинг отсеварлиги фарзандлари Хусниддин, набираси Жамшидга ҳам ўтган. Бугунги кунда Човкар лақабли от хонадоннинг дўсти.

От ўзининг садоқати, мардлиги, дўстлиги билан тиллардан-тилларга кўчган. Авлодлардан-авлодларга ноёб мерос сифатида қолдириб келинади. Шарқ тақвимига кўра, 21 мартдан бошланадиган От йили халқимизда турмуш фаровонлигини янада оширадиган, оилаларга қут-барака келтирадиган йил сифатида эъзозланади. Полвон оталаримиз айтганларидек, бу тақвимда туғилган фарзандларда ҳам отга хос хусусиятлар: сезгирлик ва содиқлик бўлар экан. Демак, Соғлом бола йилида кўркам, шижоатли, мард, ризқу насибали содиқ фарзандларимиз кўпаяди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ф.Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти томонидан 1980 йил 4 июлдаги 194/Б-сонли буйруққа асосан Юлдашева Лола Уматовнага берилган Г-II 332449 рақамли, рўйхат рақами 5289 сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Реклама ўрнида

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК — замон талабига мос хизмат

«Ўзсаноатқурилишбанк» йиллар давомида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиб, аҳоли ва мижозларга таклиф этилаётган хизматларни ҳар томонлама такомиллаштириб бормоқда. Жамоанинг аниқ стратегик режа асосида фаолият юритаётгани иш кўлами ва сифатини оширибгина қолмай, унинг жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, банк мижозлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Молия муассасасида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банк омонатларига жалб қилиш ҳамда комплекс банк хизмат турларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор берилиб, ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда янги хизмат турлари жорий қилинмоқда. Банкнинг бир қатор филиаллари, минибанклар, жамғарма ва махсус кассалари, шунингдек, тўлов шохобчаларида мижозларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш учун шарт-шароит яратилган.

АҲОЛИГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Банкда аҳолининг коммунал хизматлар ва бошқа пуллик хизматлар бўйича дебиторлик қарздорликларини камайтириш мақсадида 1 йил муддатга жозибадор «Коммунал хизматлари тўловига» омонат тури жорий этилди. Ушбу омонат орқали омонатчининг топшириғи асосида ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал ва бошқа хизматлар (хонадон тўлови, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, иситиш ва иссиқлик энергияси, чиқинди тўловлари, солиқ ҳамда давлат божлари, шаҳар ва уяли алоқа телефонлари тўловлари ва ҳоказо) учун тўловларни тўлашга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк»да жисмоний шахслар қўлидаги пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш, хусусан, пул айланмасини мувофиқлаштириб боришда коммунал хизматлар фойдаланувчилари учун жойларда ташкил этилган тўлов шохобчалари ва сайёр кассалар фаолияти муҳим ўрин тутади. 2013 йил давомида электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа пуллик хизматлар учун аҳолидан жами 453,8 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига (390,5 млрд.сўм) нисбатан 63,3 млрд. сўмга кўп демакдир.

Пуллик хизмат кўрсатаётган ташкилотлар билан биргаликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилнинг ўтган 2 ойи мобайнида аҳолидан жами 75 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда аҳолига омонат хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда чакана хизматлар (коммунал ва бошқа хизматлар учун нақд ва нақдсиз пул маблағларини қабул қилиш билан шуғулланаётган) кўрсатадиган 59 та жамғарма касса, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича 150 та тўлов шохобчалари фаолият юритмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг UzCARD-online тизимида пластик карталарни «Click» дастурига улаш имконияти мавжуд. «Click» дастури доирасида уяли телефон орқали коммунал тўловлар, уяли алоқа, интернет, телевидение, телефон ва бошқа хизматларни амалга ошириш мумкин. Амалга оширилган тўловлар тўғрисида тасдиқловчи SMS хабар юборилади. Банкнинг мазкур пластик карталари эгалари ўз карта ҳисоб-рақамига тегишли бўлган барча маълумотларни www.uzkart.uz сайтидан «Шахсий кабинет» хизмати орқали олиши мумкин.

Бундан ташқари, янги инновацион маҳсулотларни аҳолига етказишни таъминлаш мақсадида, коммунал тўловларини банк кассалари ва сайёр кассалар орқали ўтказишда «биллинг» тизими йўлга қўйилган. Унинг афзаллиги мижознинг банк орқали ўтказган тўлови ҳақидаги хабар мобил телефонига келиши, қабул қилинган тўлов эса коммунал корхоналар маълумотлар базасида зудлик билан пайдо бўлишидадир.

Ҳасан АШУРОВ,
«Янги Миробод» маҳалла қўмитаси раиси

— Яқинда маҳалламизда «Ўзсаноатқурилишбанк» Миробод филиалининг янги коммунал ва бошқа турдаги тўловларини аҳолидан қабул қилувчи 2-тўлов шохобчаси очилди. Эндиликда, маҳалламиз аҳолиси барча коммунал ва бошқа турдаги тўловларни шу ерда тўлаб келмоқда. Шунингдек, банк ходимлари заруратга қараб, маҳалламизга чиқиб, аҳолидан коммунал тўловларини қабул қилмоқдалар.

— «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг янги UZCARD — online пластик карточкаси шахсан менга кенг қулайликлар яратди, — дейди банк мижози Учқунбек Файзиев. — Мазкур пластик карта орқали 24 соат мобайнида уйдан чиқмасдан туриб «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» интернет сайтларидаги «Шахсий кабинет» ёки «Click» тизими орқали электрэнергия ва табиий газ хизматлари учун тўловларни амалга ошириш имконига эгаман. Натижада, кўпгина вақтим тежалади.

— Идорада эътиборим фақат ишда, — дейди банк мижози Высылайкина Татьяна. — Уйда эса рўзғор ишлари билан бандман. Коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаб бориш масаласида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Коммунал хизматлари тўловига» омонати жуда қўл келди. Бўш пул маблағларимни уйда сақлаш ўрнига, банк омонатига қўйиш орқали даромадимни коммунал хизматларини тўлашга йўналтирмоқдаман.

— Мен бир неча йиллардан буён «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг мижозиман, — дейди Раъно Шукурова. — Электр, газ, иссиқ сув, совуқ сув, уй телефони ва бошқа турдаги коммунал тўловларини шу банк кассалари орқали тўлаб бораман. Чунки банк кассалари туманимиз ҳудудида жуда қулай ерда жойлашган. Ходимлари жуда эътиборли ва хизмат кўрсатиш сифати юқори. Яна бир қулайлиги, ушбу банк орқали коммунал хизматлар учун тўлов амалга оширилганда, менинг қўл телефонимга хабар келади. Албатта, бу жуда қулай. «Ўзсаноатқурилишбанк» хизматларидан жуда мамнунман.

Светлана УМАРОВА,
«Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали, жамғарма операциялари ва минибанклар бўлими бошлиғи

— Аҳолига янада сифатли ва тез хизмат кўрсатиш, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали қошида ташкил этилган жамғарма кассалар ва тўлов шохобчалари орқали пластик карточкалар ва нақд пул орқали коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилиниши борасида барча шароитлар яратилган. Филиалимиз кассалари аҳоли гавжум жойларда, йирик ташкилотлар қошида ташкил этилган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан мижозлар учун янги қулайликлар яратиш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида энг замонавий технологиялар ва техник воситалар жорий этилмоқда.

Сўнгги йилларда мижозларга ўнлаб янги хизмат турлари ва дастурлар таклиф этилди. Улар орасида «Банк — мижоз», «Интернет-банкинг» ва «SMS банкинг» сингари хизматлар мавжуд бўлиб, ушбу хизматлар, ўз навбатида, мижозлар сонининг ўсишига замин яратмоқда. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» да интернет орқали тўловлар мижозга қуйидаги имкониятларни яратди:

- депозит ҳисоб рақамларини on-line тарзда масофадан туриб назорат қилиш ва бошқариш;
- мобил телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш;
- Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш;

ЭЪТИБОРГА ЯРАША

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш миқёси кенгаймоқда. 2013 йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаш учун 5,7 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди, бу эса 2012 йилдагидан 1,3 баравар кўпдир. Шу жумладан, касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга 1,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

— 2012 йилда нефт ва газни қайта ишлаш касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди Қўнғирот туманидаги «Ойнур фаришта» кўп тармоқли хусусий корхона раҳбари Шаҳло Машарипова. — Ўз хусусий ишимни очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилиб, ўтган йили мустақил иш бошладим. «Ўзсаноатқурилишбанк» кўмагида бизнес-лойиҳамни тайёрладим ва лойиҳамни амалга оширишим учун 45 млн. сўм миқдорида кредит олдим. Шу ҳисобдан «HOWER-8700» русумли 12 дона тикув машиналарини олиб келиб, йилига 8640 дона турли хилдаги болалар кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Натижада, туманимизда истиқомат қилувчи 13 нафар аёлларни, шу жумладан, олти нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминладим. Бичими бежирим, сифати юқори, таннархи эса арзон маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлмоқда.

— «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан ўтган йил давомида 740 нафардан ортиқ хотин-қизларга маиший техника, ошхона электр жиҳозлари ва бошқа истеъмол товарлари сотиб олиш учун жами 3,4 млрд. сўм истеъмол кредитлар ажратилди, — дейди кредит операциялари департаменти бўлими бошлиғи Саида Гулямова.

Шунингдек, банк томонидан ёш оилаларга ҳам имтиёзли истеъмол кредитлари ажратиб келинмоқда.

— 2011 йилда Навоий Давлат педагогика институтини тугатиб, Навоий шаҳридаги мактабгача таълим муассасасида иш фаолиятимни бошладим, — дейди Азиза Шарипова. — Ёш оиламизга зарур бўлган маиший техникалар сотиб олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий филиалига мурожаат қилдим ва қисқа муддат ичида чангютгич, кир ювиш машинаси ва электр печ воситаларини харид қилиш учун 3 йил муддатга имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилди. Мен каби ёш оилалар манфаати учун хизмат қилаётган инсонларга келгуси ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

— Ўтган 2013 йил давомида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан аҳолига жами 18 млрд. сўм ипотека кредитлари, шу жумладан, ёш оилаларга имтиёзли равишда 15,3 млрд. сўм аёлларга 5,4 млрд. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари расмийлаштирилди, — дейди кредит операциялари департаменти бўлими бошлиғи Дилфуза Исаходжаева.

Банкнинг яна бир мижози Нигорахон Юлдашева Андижон шаҳридаги Бунёдкор филиалидан 87 млн. сўм миқдорида ипотека кредитини олиб, кўп қаватли уйлардан бирида ўз квартирасига эга бўлди.

БАНК ВА КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

Мансур ИБРАГИМОВ,
Самарқанд банк коллежи директори

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд Бош бошқармаси бошчилигида ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Самарқанд минтақавий филиали ва Самарқанд банк коллежи билан биргаликда коллеж талабалари ўртасида уларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ғоялари бўйича танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ўтган йили «Тадбиркорлик ила фаровон ҳаёт сари!» мавзусида ўтказилган икки босқичли танловда 81 та бизнес лойиҳа ўрганилиб, улардан 6 таси ғолиб деб топилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар билан тақдирланди.

Ўйлайманки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва коллежимиз ўртасидаги ҳамкорлик узоқ йиллар давом этади.

Нурсалин УМАРОВ,
Самарқанд банк коллежи ўқувчиси

— Коллежимизда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Самарқанд минтақавий филиали томонидан «Банк хонаси» ташкил этилган бўлиб, бу ерда биз талабалар, яъни бўлажак ёш банк ходимлари учун билим ва малакамизни ошириш учун қулай шароит яратилган.

Кейинги пайтда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ билан ҳамкорликда кўплаб тадбир ва анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда навбатдаги танлов ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, мен унда ўзимнинг янги ғоям билан иштирок этиш ниятидаман.

Бундай танловлар бизни изланишга, етук мутахассис бўлиб етишишимизга катта ёрдам беради.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Жаҳоннинг икки энг нуфузли — **«Fitch Ratings» ва «Standard & Poor's»** халқаро рейтинг агентликлари «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этиб келмоқда.

Жумладан:

- 2013 йилнинг июл ойида **«Standard & Poor's»** халқаро рейтинг агентлиги банкнинг узоқ муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингини **«B+» — «Барқарор»** даражасида;
- 2013 йил август ойида **«Fitch Ratings»** халқаро рейтинг агентлиги банкнинг барча рейтингларини **«B» — «Барқарор»** даражасида баҳолаган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, молия муассасаси муттасил равнақ топиб, фуқароларга хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтирмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири.
ЎзА суратлари



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 02.40
Topshirildi - 03.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 318 | 22511 nusxada bosildi | 12 45